

"ОҚ ОЛТИН" ҚАРВОНЛАРИ ЙҮЛ ОЛДИ

КЕЧА БҲКА БОШҚАРМАСИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ ЯНГИ ҲОСИЛНИНГ ЦАСТЛАБКИ ЮЗ ТОННАЛАРИНИ ДАВЛАТ ОМБОРЛАРИГА ТОПШИРДИЛАР

БУТҶН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 177 (2895).

Сешанба, 8 сентябрь, 1964 йил.

БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ЯНГИ ҲОСИЛ ВАЙРАМИ

Янги йўлдаги колхоз, совхоз далаларида пахта йиғим-терими бошланиб кетди. Пахтакорлар шаҳардаги маданият ва истироҳат боғига йиғилишиб теримга тунишадан олдин биринчи пахта чаногининг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказишди. Йиғилганлар чечмасида мамнулик, меҳнат зафи бари уларди. Ёз бўйи тер тукиб мўл ҳосил тўплаган азамат пахтакорлар теримга қандай тайёргарлик кўрганликлари, «оқ олтин»ни қисқа муддатда йиғи

риб-териб олиш учун нималар қилмоқчи эканликларини сўзладилар. 4-март Социалистик Меҳнат Ҳақрамони «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси ўртоқ Ҳамроқул Турсунқулов ўз сўзида пахтакор деҳқонларга теримда муваффақиятлар келтиришга, йиғилган пахта билан бундан кичик тўйимиз республикамизнинг катта тўйига уланиш. Ана шу айёмга пахта тайёргарлик кўришга тўғна тайёргарлик дейди. Йиғилишда иштирок этган бўлиш ва район раҳбарлари бу йилги терим мавсумининг сн

ни имтиҳон эканлиги ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақида гапирдилар. Йиғилишнинг эртаси кунин пахтакорлар янги куч, зўр ғайрат билан теримни бошлаб юбордилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси шонли 40 йиллик тўйи шарафига социалистик мусобақани аниқ олдириб юборган Калинин бошқар

масидаги «Москва» колхозини коллектив ишлаб чиқаришда янгида-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Социалистик мажбурият асосида ишнинг ташкил қилган колхозчилар тўғрисида, сабабот тайёрлаш йиллик планларини муддатдан олдин адо этдилар. Улар давлатга тўғрисида сўрашнинг 101 процент, тухум топиширишнинг 103 процент, сабабот тайёрлашнинг 102 процент қилиб бажардилар. Азамат сабаботкорлар пландан ташқари яна давлатга қўшимча равишда минг тонна сабабот етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

БРАККА ЙҮЛ ЙҮК!

Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун! Бизнинг жамиятимизда ана шу буюк инсонпарварлик ғоялари жонажон партиянинг фаолиятининг олий қонунидир. Меҳнат аҳлининг моддий ва маданий турмуш даражасини тинмай яхшилаш тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Оғир индустриямиз муттасил тараққий этаётганлиги ва социалистик қишлоқ ҳўжалигимиз кескин юксалиш йўлидан бораётганлиги сабабли мамлакатимиз энгил ва озиқ-овқат саноати узлуksиз ўсмоқда, ҳалқ учун, кенг меҳнаткашлар оиласи учун турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Шу кунларда қайси бир саноат мағазинига кирсанг, уларнинг полкаларидаги турли-туман ва ранг-баранг ҳисобсиз моллардан кўнглинг қамашади.

Аҳолининг моддий ва маданий сависси ўстаётганлиги натижасида қишлоқларимиз ўзларига тақдир этилаётган товарларга нисбатан сепатлабган бўлмақдалар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, бу инжиқлик, айбентий эмас, балки тамонидла қорил бир ҳолдир. Меҳнаткашлар замонавий фасида бежирма қилиб ишланган ўй-роҳ асбоблари, йилнинг фасига ва молга тўғри келадиган лойфаллар ёки кийим-кечак сотиб олишни истайди. Мана буларнинг ҳаммаси аҳоли учун ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини кескин суратда яхшилаш масаласини саноатчиларимиз, барча маҳаллий партия ва совет ташкилотлари олдида энг муҳим масалалардан бири қилиб қўймоқда.

Областимизнинг бир қатор илгор қорхоналарининг коллективлари давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ўз завод ва фабрикалари марказининг шўҳратини ошириш ва шу асосда истеъмолчиларга фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун улар ишлаб чиқаришни тажрибали ва юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамламоқдалар, биш профессияларини механизациялаштирмоқдалар, илгорлар тажрибасини кўнгил билан ўрганиб, унинг кенг жорий этмоқдалар.

Лекин шунинг оқиш эътирофи эътиҳ керакки, завод ва фабрикаларимизда тайёрланаётган кенг истеъмол товарлари қўнглининг сифати ҳали қилинганлигининг ҳозирги гўл ўсганид ва талабларга тўла жавоб бераётми. Айрим қорхоналарнинг раҳбарлари, меҳнат кетгучи — эгасига етгучи қабилада иш тутиб маҳсулот сифатига эътибор бераётми. Яқиндаги ўз ишнинг тамоналиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленумида ама шундай сифатсиз маҳсулотлар тарқатилган қорхоналар адрисига гўл янги эътирозлар билдирилди. Сон орқасидан қувиб, сифатга эътибор беришдаги «Шарқ» мебош фирмасини кўрсатиш мумкин. Фирманинг 5-филиалида текширишга олинган барча маҳсулотнинг 44,4 проценти брак қилинди. 1-филиалида эса

текширишга олинган маҳсулотнинг 31,1 проценти сирти пасайтирилди, 44,9 процент маҳсулот эса бракка чиқарилди.

Бундай камчиликларнинг юз бераётганлиги сабаб шундаки, фирмага қарашли қорхоналарда давлат ва технология интизоми бўшаётганлиги юборилган. Тайёрланаётган қўпгина маҳсулотларнинг технология карталари йўқ, Цех бошлиқлари, техника контоли бўлимининг ходимлари тайёр маҳсулотларни қабул қилиб олишда унинг сифатига нисбатан мулоқо талабчанлик қилмаётми. Фирмадаги бундай камчиликлар тўғрисида кўндан бери гапириб келинмоқда. Лекин фирма маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ана шу камчиликларни тугатиш юзасидан жиддий чоралар кўрмаётми. Фирма қорхоналаридаги бош инженер, старший мастерлар ва бошқа раҳбар ходимларнинг қўнглини махсус маълумотга эга эмас. 7-8 йиллик умумий маълумотга эга бўлган кишилар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига раҳбарлик қилмоқда. Табиийки, бундай аҳволда маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисидаги ҳар қандай тадбирлар ҳам қорғода қолса кетаберилади.

Шуни унутмаслик керакки, ишлаб чиқаришдаги брак шу маҳсулотларни тайёрлаётган қорхонага ҳам, ишчиларга ҳам, давлатга ҳам катта зарар етказиши. Ишлаб чиқаришдаги брак — маҳсулотларнинг нес-нубуд бўлишига, давлат ва ҳалқ бойликларининг исроф бўлишига, қорхона техника-иқтисодий қўрсаткичларининг пасайиб кетишига олиб келади. Шу сабабли бракка қилиб ҳамма ерда жиддий кураш олиб бориш керак. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари қорхона раҳбарларига нисбатан маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бўлган талабни оширишлари зарур.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни пухта ташкил этмаслик, ёрғиннинг бузилиши, технология режимига қатъий амал қилмаслик — мана шуларнинг ҳаммаси бракка келтириб чиқариладиган асосий сабаблардир. Қорхоналарнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллектив ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб боришлари, коллективнинг ҳар бир аъзосида ўз жонажон заров ва фабрикаларининг обр-эътиҳи ва шон-шукрати учун куралиш ҳиссини ўйғотмоқдалар лозим. Қорхоналарнинг техника-иқтисодий бўлимининг малакали ва талабчан ходимлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу бўлиш ҳар бир завод, ҳар бир фабрика маркази пухратининг соқилариридир. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари эса сифатсиз ва брак маҳсулот ишлаб чиқариётган қорхоналарнинг ишлари, билан чуқур ва атрофича шуғулланишлари, рўй бераётган камчиликларини сабабларини аниқлашлари ва уларни тугатишда қорхона коллективларига яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Бракка йўл йўқ! Унга қарши ҳамма ерда қатъий кураш олиб бораёлиш.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Москва радиоси ва телевидениеси орқали 1964 йил 7 сентябрда сўзланган

Азиз ўртоқлар! Чехословакия Социалистик Республикасида дўстлик аниқтирилган Билан борган совет партия-хукумат делегацияси бундан икки кун бурун қайиб кетди. Қардош Чехословакияда юрганиларимиздан олдин таассуротларини, сафаримизнинг натижаларини сизларга гапириб бермоқчиман.

Чехословакия тупроғига қалам қўйган биринчи дақиқаларимизда нок аjoyиб Прага шаҳрининг аҳолиси бизнинг делегациямизни жуда самимий, қардошларча қутиб олди, биз ҳам бутун визитимиз давомида мана шу самимийлик ва шод-хурамлиликни ҳис қилиб турдик. Бу — энг самимий ҳисларнинг ифодаси бўлди. Бундан ҳислар қўнглининг энг чуқур жойларидангина чиқиб келиши мумкин. Бу ҳислар Чехословакия халқларининг Совет Иттифоқи халқларига бўлган зўр муҳаббати ва дўстлигини яққол кўрсатиб турибди.

Менинг бу нутқим Чехословакия радиоси ва телевидениеси орқали ҳам эшитириладиш менга айтилди. Мен шундан фойдаланиб, Чехословакияда дўстларимизга мурожаат қилмоқчиман ва уларга яна бир марта шунини айтмоқчиман:

— Совет халқига, бизнинг мамлакатимизга нисбатан қардошларча дўстлик ҳисларини изҳор қил

ганликларингиз учун сизларга катта раҳмат.

Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, унинг Биринчи секретари ва республика Президенти, бизнинг йиллик дўстимиз Ўртоқ Антонин Ноютинийа, Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумати ва Чехословакия ерида биз билан учрашган ўртоқларнинг ҳаммасига яна бир марта қизгин ташаккур айтмоқчиман.

Бизнинг партия-хукумат делегациямиз Чехословакияда бўлган кунларда Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари нақадар маҳкам ва узинамас эканлигини янги куч билан ҳис қилдик. Бу — дўстлик узоқ ўтмишдан илди эйиб келган. Бу дўстлик гитлерчилар Германиясига қарши курашда аниқла қилиниб, маҳкамланди ҳамда уруш йилларида халқларимиз ўғил ва қизларининг қўнглидан қон билан мустаҳкамланди.

Маълумки, бизнинг делегациямиз Чехословакия тарихидagi зўр воқеанинг — Словак миллий қўзғолонининг 20 йиллиги байрамида қатнашди. Бу воқеа тўғрисидаги хотира чехлар ва словакларга яна эсимиз, шу билан бирга совет кишиларига ҳам қадридир. Уларда руслар, украинлар, Совет Иттифоқидagi қўпгина халқлар

нинг намоёндалари, бошқа мамлакатлар халқларининг намоёндалари чехлар ва словаклар билан бирга умумий душманга қарши жанг қилишди.

Чин дўст бошга қуфлат тушганда синалади, деб бекорга айтилмаган. Умумий иш учун курашда кузудга келган ва мустаҳкамланган дўстликдан кўра азиз нарса йўқ. Бу — муқаддас дўстлиқдир. Биз сизгари чех ва словак дўстларимиз ҳам бу қардошларча дўстликни содиқ эканликлари кўриб, хурсанд бўлдик. Словак миллий қўзғолонда қатнашганларнинг қўплари бу қўзғолонга йиғирма йил тўлганлигига бағиш

лаиб, Банска-Бистрица шаҳрида ўтказилган байрамда тўланишди. Ўша йиллардаги жангларнинг қатнашчилари бўлган совет кишилари — содиқ партизандар, ерда, қор, қорғонларда чехлар ва словаклар билан ёнма-ён туришди. Бу мард кишиларнинг шонли ва ташаккурларининг қўсига Чехословакия ва Совет Иттифоқининг жанговар орденлари яқриаб турарди.

Митинг ва авиация паради бизда унутилмас таассурот қолдирди. Авиация парадини кўрган кишиларнинг ҳаммаси замонавий реактив қирувчи самолётларда та бошқа самолётларда юксак учув

секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбанов, И. Г. Анисимкин, И. Ж. Худойбердиев, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигини қандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Наежистар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Равсининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР

чилик техникасини намоийш қилган чехословак учувчиларининг маҳоратига ва мардлигига қойил бўлишди.

Чехословакия Варшава шартномаси мамлакатларининг Ғарбдаги мустаҳкам қалъаларидан бири, деб ёзилган гапни бир вақт мен буржуа мабтуотида ўқиган эдим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам у мустаҳкам қалъалардир. Тинч яратувчилар қалъаларини амалга оширишдан Совет Иттифоқининг, барча социализм мамлакатларининг ўзларини ва ўз дўстларини ҳимоя қилмоқ учун керакли ҳама нарсаларни бор.

(Давоми иккинчи бетда).

А. Н. КОСИГИН ТОШКЕНТДА

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Равсининг биринчи ўринбосари, Совет ҳукумат делегациясига бошчиликл қилган А. Н. Косигин Афғонистонга қилган сафаридан қайтаёйиб, шу 7-сентябрда Тошкентда келди.

Тошкент аэродромда А. Н. Косигинни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигини қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи

Олий Совети Президиуми Равсининг ўринбосари А. С. Абдуллин, Ўрта Осиё Халқ ҳўжалиги кенгашининг раиси С. И. Қадирин, СССР Ўрта Осиё Иқтисодий райони Қўриқлиш давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси В. М. Гушчин, Туркистон ҳарбий округи Сўсий бошқармасининг бошлиғи Н. С. Демир кутиб олдилар. А. Н. Косигин ва совет ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари бироз дам олганларидан сўнг Москвага жунаб кетдилар. (ЎЗАТА).



Ўртоқ В. А. ТЮПКО.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. ТЮПКО ҳикоя қилади КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯ ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ЮРАГИ

Пахтачиликни янада машиналаштириш вазифалари орасида пахта теришни машиналаштиришнинг алоҳида аҳамияти бор. Пахта етиштириш учун сарф бўлаётган меҳнатнинг ярмидан кўпроғи ҳозирги вақтда пахтани теришга сарф бўлмоқда. Равшандирки, ҳозирги вақтда пахта теришни машиналаштириш иши пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашдаги энг муҳим иш бўлиб қолди.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

лага маҳаллий ўғит ташини, техникани сифатли ремонт қилиш билан шугулландилар.

Навбахор еллари эса бошлагач даладаримизда иш қизигандан қизиқ кетди. Илк баҳорда майдонларимизни ички қайта борабаладик. 300 гектар ердан бегона ўтларнинг илдизларини териб олдик. Бегона ўтларни батамом йўқотишда катта химия биға ёрдамга келди. Қўн йиллик ўтларни йўқотиш учун 63 гектар ерга даладон гербицидини, бир йиллик ўтларни йўқотиш учун эса 40 гектар ерга диурон гербицидини сепдик.

Экинч кампанияси ҳам бошланди. 600 гектар майдоннинг ҳаммасига чигитчи квалитет уялаб жойлаштирдик. Қариб 60 процент майдонга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экинчилиги туфайли яғна қилишга эҳтиёж қолмади. Натижада ҳам вақтни, ҳам маблағларни тежаб қолдик.

Ўза парвариши даврида қатор ораларини уч марта узунсига ва уч марта кўндалангига култивация қилдик. Охири култивация комплексиялаштирилди. Буида трактор бир кетининг ўзида ҳам туруқчи юншатди, ҳам жўяк олди, ҳам механизациялаштирилган чеканка қилди. Пайкалар ўрта ҳисобда 3—3,5 марта қондириб сугоридик. Қўн йиллик тақрибларимизга биноан ўзани эрта озиклантиришга катта эътибор билан қарадик. Ўзининг

маслиҳат чек қўйиш зарур. Машина одамнинг душмани эмас, балки дўстидир, машинани унинг ўзи яратган, машина унинг меҳнатини енгиллаштириши керак. Одам қўл кучи билан машина бажарган миқдорда иш қилолмайди. Машина ёмон ишлаётган экан, демек, раҳбарлар бу машинадан фойдаланишга эътиборсиз қарамоқдалар, одамларни яхши танлаб олмаётирлар ва яхши ўргатмаётирлар. Ишининг кўзини билладиган кишининг қўлига тушган машина ёмон ишлаши мумкин эмас.

Бу гапларнинг маъини қақсатган «ҳа, жуда тўғри» дейсиз. Ҳақиқатан ҳам шундай-да. Қарда раҳбар машинага ўғай қўз билан қараса, ўша ерда машина терини муваффақият қозона олмайди. Бундай раҳбарлар машина пахтани тўкиб кетади, нобуд қилади, деган нотўғри, зарарли кайфиятга берилади, «зангори кема»ларнинг ишлашига турли-хил йўллар билан халақит берадилар. Ҳақиқатан ҳам шундай кишилар раҳбарлик қилаётган ҳўжаликларда машина қўлаб пахтани ерга тўкиб кетади. Ҳўш, нега тўкиб кетади? Бу билан раҳбарлар қизиқишмайди, унинг сабабларини билиб олиб ўшанга яраша иш туттишмайди.

Машинанинг пахтани ерга тўмасдан топ-тоза қилиб териб олишга эришиш учун мавсумга анча илгаридан пухта ҳозирлик қилиш керак. Ундай кейин машиналарни пайкалга солишда шўқалоқлик қилиш ярамайди. Машинани ёқтирмайдиган ўша нўноқ раҳбарлар пахтанинг 60—65 процентини очилгунча қадар сабр-тоқат қилиб ўтиролмайдилар. 30—40 процент ҳосил очилар-очилмас машиналарни ишга солиб юборадилар. Ана ундан кейин пахтанинг ярми ерга тушса, яри бужерга тушади. Машинанинг иш унуми бўлмайди. Ҳосил нисобуд бўлади. Ўшундай қилиш асло ярамайди. Машина пахтаси обдон очилган пайкаларни яхши қўради. Мисол учун бир туғ ўзанигизда ўнта кўсак бўлса, шунинг 6—7 таси очилгандан кейингина машиналарни ишга туширинг. Шундай қилсангиз машина ўзининг қудратини кўрсатади. Машинанинг қудратидан баҳраманд бўлаётганлар уни букилмас қанот деб атамоқдалар. Ҳақиқатан ҳам машина — деҳқоннинг букилмас қаноти!

Комплекс механизациялашган эвеноларимизда ўтган йилгидек бу йил ҳам машина теримига қизиган тайёргарлик қилилди. Бўлим бўйича мавжуд 25 машинанинг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилади, терим кампаниясига шайлаб қўйилди. Шу куларда пахтакорларимиз «зангори кема»ларга кенг йўл очмоқдалар. Ҳақиқатан текисланаётган, машина қайтадан жойдончалар текисланаётган, Дефляцияни ҳам бошлаб юбордик. Бу иш 10 сентябрга қадар тугалланади.

Бу йил механизаторларимиз етиштирилган яли ҳосилининг 90—93 процентини фақат машиналар билан йиғиб-териб олишга деб боғлашган. Ҳар бир гектар ерданг ҳосилимиз 28 центнер бўлса, шунинг атиги 2 центнергина қўлда териб олинади, холос. Бу пахта тайёрлаш йиллик планининг қисқа муддат ичида бажарилишини таъминлаш билан бир наторда таннархнинг кескин даражада қамайишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Бўлим бўйича 1962 йилда ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 34 сўмни ташкил этган экан. Утган йили комплекс механизациялашган эвеноларнинг шарофати билан бир центнер пахта етиштириш учун 17 сўм 85 тишини сарфлайди. Бу йил эса таннархи 16 сўмга туширмоқчимиз.

2-Оқўрғон совхозининг пахтакорлари ўз меҳнат зафарлари билан донг таратаётган механизатор — эвено бошқаларимиз Аладин Файзуллаев, Наби Худойбердиев, Маъруф Орпов, Холқ Қодиров, Давлатбой Ҳасанов, Холс Арслонов, Сайдали Узоқов, Амрхон Шералев каби азаматлар билан ҳақли равишда фахрланоқдалар. Областида бу механизаторларнинг издошлари тобора қўпайиб бормоқда. Ҳозир область бўйича 3 мингта комплекс механизациялашган эвено ишлаб турибди. Бу эвеноларнинг машинага меҳр қўйган пахтакорлар 138 минг гектар майдонда «оқ олтин» етиштиришди. Ана шу майдонларнинг ҳосили асосан машиналар билан йиғиб-териб олинади.

Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун жонидил билан курашаётган ана шу эвеноларнинг азамат пахтакорларига бизнинг комплекс механизациялашган эвеноларимиз пахтакорлар номидан, шахсан ўз номидан қатта муваффақиятлар тилайман. Пахтакорлик шарафини қадрлайлик, қўлда бажариладиган ишларни машиналар елиасига ортайлик, «оқ олтин» хиромимизни янада баракали қилиб. Республикаимиз ва Ўзқомпартиянинг 40 йиллик тўйини улкан тўёна билан кутиб олайлик!

Суратларда: 1. (чапдан) Илгор механизаторлар — эвено бошқаларидан Шобарот Ризаев, Давлатбой Ҳасанов, Холқ Қодиров ва Мирзамиддин Мирзаев ўртоқлар. 2. Механизаторлар пахта йиғим-терими кампаниясига шайлаб қўйилган «зангори кема»ларни сўнгги марта қўздан кечирмоқдалар.



Пахтакор! Шу сўзнинг ўзи мўл-қўл «оқ олтин» етиштириш ишқини дилига «солган деҳқоннинг бутун қудратини, бутун обрўсини яққол кўрсатиб турибди. Пахтакор деганда бизнинг кўз ўнгимизда кишининг қадротини, эсининг жазирасини пиванд қилмай куча-куч, гайратга-гайрат қўшиб ишлайдиган чинакам меҳнат соҳиб гадаланади.

Хур дийрмизнинг «азамат пахтакорлари йилдан-йилга катта зафарларини кўчмоқдалар. Улар айниқса бу йил—Ўзбекистон ССР ва республика Коммунистик партияси 40 ёшга туладиган йилда ҳар қачонгидан ҳам улкан, ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли вазифани бажаришни қўлаб олган интилоқдалар.

Мен республикамизнинг турли жойларидаги колхозчилар, совхоз ишчилари ҳузурда тез-тез бўлиб тураман. Улар билан суҳбатлашганимда, улар қилаётган меҳнатнинг самараларини кўрганимда беҳад қувониб кетаман. Шунда ўзимга-ўзим «Ҳа, кишлоқлардаги меҳнатқилларимиз катта йўлдан — интенсионал йўлдан дидил қадимлар ташлаб кетишляпти» дейман. Ҳақиқатан ҳам шундай! Йўналиш партияимиз Марказий Комитетининг декабри ва февраль Пленумлари қилмоқ ҳўжалигини интенсионаллаштириш энг тўғри йўлини кўрсатиб берди. Бу йўл барча кишлоқ ҳўжалиги меҳнатқиллари қатори биз пахтакорлар учун ҳам истиқбол йўлидир.

Мава, қўйишқўйишни тўлдириб олтин куза ҳам келди, ниҳоси йўқ пайкаларимизда пахта очилабошлади. Бу — ҳормас-толмас деҳқонларимиз йил бўйи қилган самарали меҳнатининг мевад. Даладарини кеанг киши баракали «оқ олтин» ҳосили етиштириш, шу ҳосилини қисқа фурсатда нисобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун қайраётган пахтакор деҳқонга қалбнинг қўрғини чиқариб раҳмат айтди. Вилгадиган куч ёғилиб турган ҳар бир пахтакорнинг юрагига, қўли содиб кўрсатди, уларнинг «оқ олтин» хиромимиз янада баракали бўлсин, пахтачиликимиз буилан ҳам равнак топсин, қўл меҳнати батамом машиналар елиасига қоялмасин дейдиганни яққол ҳис этасиз. Меннинг юрагим ҳам ана шундай ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган. Бугунги суҳбатимда пахтачиликдаги барча ишларни тўла-тўқис механизациялаштириш учун курашаётган бизнинг комплекс механизациялашган эвеноларимиз ҳақида гапирмоқчиман.

Баъзибир ўртоқлар «Янги технология — ва илгор тажрибани жорий қилиш лабораторияси бўлганидан кейин албатта унга энг яхши ер, энг яхши техника, энг яхши одамлар янги-ратилад, шундай бўлганидан кейин албатта у энг яхши кўрсаткичларга эришляпти» деб ўйлашлари мумкин. Йўқ. Биз 2-Оқўрғон совхозини бўйича ва умуман областимиз бўйича энг қолоқ участкалардан бири ҳисобланган жойда иш бошладик. Совхознинг 3-бўлими бир неча йиллардан буён қалдини ростлаб ололмаётган бўлимлардан экан. 1962 йили ҳар гектар ердан атиги 11,5 центнердан пахта олينيбди. Биз бунинг сабабларини тўда-дан ўргандик. Маълум бўлишча, бўлимда аввалом бор деҳқончилик маданияти паст даражага тушириб қўйилди. Агротехника қондаларига яхши риоя қилинмас, дала ишлари сифатсиз бажарилади экан. Натижада барча майдонларни қалин ўт босиб кетибди. Бегона ўтлар машина теримига имкон бериш уёқда турсин, ҳатто қўл теримига ҳам имкон бермай қўйибди. Оқибатда бирмунча пайкалардаги ҳосил терилмай ҳам қолиб кетибди.

Бизнинг саккизта комплекс механизациялашган эвеномиз ана шундай қўйиш шароити ҳукм сурётган жойда ташкил топди. Илгари бўлимда 6 та бригада бор экан. Шу бригадаларнинг учтаси бизнинг саккизта эвеномизга жой бўшатиб берди. Шундай қилиб комплекс механизациялашган эвенолар қолган учта бригада билан ёнма-ён ишлаб бошлади.

Эвенолардаги иш машина синиаш станциясининг тажрибаси асосида эришилган ютуқлар асосида ташкил этилди. Ҳар бир эвенога биттадан Т—28Х чопиқ трактори, БЗР—4,5 боронаси, СТБХ—4 сеялкаси, НКУ—4-6 култиватори, ПТС—3—766 ирпичи ва биттадан ХВС—1,2 пахта териш машиниаси беркиби берилди. Бундан ташқари саккизта эвено ихтиёрига иккита ДТ—4,2 ҳайдов трактори, иккита КНН—4,2 култиватори, БДТ—2,2 дискали боронаси, КИР—1,5 маркали поя майдалагич, иккита СКО—4 курак териш машиниаси, УНП—А чизели, ПТС—3—766М, иккита ХВС—1,2 пахта териш машиниаси ва ташкил борабалар комплекти бериб қўйилди.

Эвенога иш станция кўп ва тажрибаси катта бўлган тракторчилар бошлиқ қилиб ташкилланди. Ҳар бир эвенога алоҳида технологик карта тузилди. Бу картада бажариладиган ишнинг ҳажми, иш ҳақи фонди ва етиштириладиган маҳсулот миқдори кўрсатилди.

Партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда «кимки, оз меҳнат ва маблаб сарфлаб мўл ва арзон маҳсулот етиштирса, ўша кўп ҳақ олиши керак» деган масалани илгари сурмоқдалар. Биз ана шунга биноан эвено аъзоларини моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш йўларини излайбошладик. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системаси ишлаб чиқилди. Ҳар бир эвенонинг йиллик иш ҳақи фонди қарийб етти минг сўм қилиб белгиланди. Топширилган маҳсулот учун берилган 25 процентдан қўшимча ҳақ ҳам ҳисобланганда бу фонд 8,75 минг сўмни ташкил этди. Иил охирида қилинадиган сўнгги ҳисоб-китобларга қадар эвено аъзоларига ҳар ойда қатъий белгиланган маош бериб борилади. Шундай қилиб эвено бошлиқлари ой сайин юз сўмдан, эвено аъзолари эса саксон сўмдан маош олиб ишлайбошладилар.

Бундай тартиб ишмизнинг тобора олға силжиишга катта таъсир кўрсатди. Дала ишлари илгарики йиллардагига нисбатан сезиларли даражада яхшиланабошлянди. Чигит экиншдан бошлаб то ҳосил йиғим-теримигача бўлган давр ичида шу биргина 3-бўлимнинг ўзида комплекс механизациялашган эвенолар билан трактор-далачилик бригадалари ўрғи-сида қизғин мусобақа бўлди. Қўнлар ҳафта-лар, ойлар ўтгани сайин эвеноларимиз бригадаларини орқада қолдириб кетабошладилар.

Куз келди. Йиғим-терим бошланиб кетди. Бригадаларда шундай довларб даладарда ҳам эскича тартиблар ҳукм сурди: Қўл кучига зўр берилди, машиналардан номинга фойдаланилди. Бизнинг эвеноларимизда эса тамоман аксичка ҳолат ҳукм сурди: асосий куч машина теримини муваффақиятли ўтказишга қаратилди...

Ишлар йиқилангандан сўнг қайси система — бригада системаси афзалми, ёки эвено системаси афзалми деган тўғун ечилди-қўйди. Комплекс механизациялашган эвенолар эришган ютуқ билан бригадалар эришган ютуқ ўртасида осмон билан ерча фарқ бор эди. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Кўрсаткичлар	Эвенолар бўлими ча ўрта ҳисобда	Бригадалар бўлими ўрта ҳисобда
Ҳар бир доимий ишчига тўғри келадиган майдон (гектар)	6,7	2,5
Гектар бошига олинган ҳосил (центнер)	23,3	22,5
Бир центнер пахтанинг таннархи (сўм)	17,2	20,9
Бир центнер пахта етиштиришга кетган меҳнат сарфи (одам соати)	24,5	34,0
Бир гектар ерга кетган меҳнат сарфи (одам соати)	572,0	765,2
Киши бошига етиштирилган пахта (центнер)	156,3	57,0
Доимий ишчининг ўртача ойлик маоши (сўм)	92,5	36,0

Қўрқингизми, моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилса, ана шундай юксак кўрсаткичларга эришиш мумкин. Бу хусусда бир мисол келтирмоқчиман. Аладин Файзуллаев бошлиқ эвенонинг беш аъзоси ўтган йили 40 гектар ердан пландаги 24 центнер ўрнига 29,5 центнердан хирмон кўтариб давлатга 118 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Пландан ташқари қўлаб пахта етиштирилган, таннарх арзонлаштирилган, турли сарф-харажатлар қисқартирилган. Пахтанинг 96 процентини фақат биринчи сортга топширилган учун эвено бошлиғи Аладин 460 сўм, эвенонинг ҳар бир аъзоси эса 320 сўмдан мукофот олди. Эвено аъзоларининг йил давомида олиб келган ойлик маоши бу ҳисобга кирмайди.

Комплекс механизациялашган эвеноларнинг бу ютуғини кўрган бригада аъзолари янгича система билан ишлаш истагини билдиридилар. Кейин бўлимнинг қолган 3 та бригадаси ҳам комплекс механизациялашган эвеноларга айлантирилди. Шундай қилиб совхознинг 3-бўлими 15 та комплекс механизациялашган эвенолик бўлиб бўлиб қолди.

Ўзбек биродарларимизнинг «Қаловини топсанг, қор ёнади» деган гапида чуқур маъмун бор. Ҳақиқатан ҳам қаловини топа олсанг, қўзини билиб иш юритсанг, албатта зафар кучасан. Бизнинг комплекс механизациялашган эвеноларимизда ҳам худди ана шундай бўлди. Бўлмаса бир йилнинг ўзида ҳосилдорлик 12 центнерга оширилдими?!

МАШИНА ТУФАЙЛИ ХИРМОНИМИЗ БАРАКАЛИ

Етти йилликнинг олтинчи йилида бизнинг олдимида янада каттароқ, янада масъулиятлироқ вазифалар турарди. Негаки, бу йил 3-бўлимнинг ҳамма ерлари 15 та комплекс механизациялашган эвено ихтиёрига топшириб қўйилган эди. Биз ишни бошидан пухта қила бошладик. Шудгор 30—32 сантиметр чуқурликда ўтказилди. Ер қайдашдан олдин гектар бошига 300 килограмдан минерал ўғит сепдик. Механизаторларимиз киши билан да-

иолга қадар ҳар гектар ерга 400—450 килограмдан аммиак селитраси солдик. 20 июлга қадар эса гектар бошига 200 килограмдан фосфор ва 300—400 килограмдан гўнг солдик.

Сугорини ишлари биринчи сентябрга қадар давом этди. Комплекс механизациялашган эвеноларимизнинг пахтакорлари бутун ёз давомида баракали хирмон ишқиди олиб бортган курашлари аёз кетмади. Даладаримизда мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилди. Ҳозир ўзларимиз шигим-шиғил қўсқалар билан безанган. Чаноқлар бирин-кетини очилляпти. Биз бу йил гектар бошига олинган ҳосилдорлигини 26 центнерга етказамиз деб мажбурият олган эдик. Даладарда етишган ҳосилни ҳомчўт қилиб қўрганимиздан кейин мажбуриятни ўзгартирдик — 28 центнердан хирмон кўтаришга ақлалдик, Илгор эвеноларимизда қабуд қилинган мажбуриятлар эса бундан анча юксак.

МЕХАНИЗАЦИЯНИ СЕВГАН ЮТАДИ, БОЙИЙДИ

Мава энди олдимида энг масъулиятли давр — пахта терими даври турибди. Ҳамага маълумки, пахта терими ҳар қачонгидан ҳам жадал ишлашга талаб этади. Пахтакорнинг йил бўйи қилган меҳнатига мава шу даврда яқун ясалади. Агар пахтакор машинани чин дўсти деб билса, машина теримининг қўйилгандек ўтиши тўғрисида қайғурса, у албатта ўз мақсадига еришад.

Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг доимийликл билан айтган мава бу гаплар кулоғимдан сира нари кетмайди: «Пахта териш техникасига етарли баҳо бер-



Мава бу суратда энг илгор туюқчи эвено бошлиғи механизатор ўртоқ Аладин Файзуллаев ва совхознинг 3-бўлими бошқарувиенг ўртоқ Абдулла Бобоҳўжаев (ўнгда) кўриб турибсиз. Улар пахтаси машинада терилдиган пайкални текширяптилар.

В. Салов фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 8 СЕНТЯБРЬ 1964 ЙИЛ.

